

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.Р.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЙДЖАНОВА МАЛИКА МУРАТОВНА**

**КАТТА МАКТАБГАЧА ЁШДА ЭМОЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 –Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
Автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Psychological Sciences**

**Тайджанова Малика Муратовна**

Катта мактабгача ёшда эмоционал бузилишларнинг психологик  
хусусиятлари.....3

**Тайджанова Малика Муратовна**

Психологические особенности эмоциональных нарушений в старшем  
дошкольном возрасте.....23

**Taydjanova Malika Muratovna**

Psychological characteristics of emotional impairments in senior  
pre-school age.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.Р.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЙДЖАНОВА МАЛИКА МУРАТОВНА**

**КАТТА МАКТАБГАЧА ЁШДА ЭМОЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 –Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент –2022**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.2.PhD/P635 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (psi-ik@uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаев Нуритдин Салихович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурасулов Рустам Абдураимович**  
психология фанлари доктори, доцент

**Тўйчиева Саодат Мелликузиевна**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**М.Ломоносов номи Москва давлат университети Тошкент филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+ 99871) 276-82-32; факс: (+ 99871) 276-76-51; e-mail: tdpu\_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+ 99871) 276-82-32.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунлари тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ф.А.Акрамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., доцент

**Н.Б.Атабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Т.Нишанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда катта мактабгача ёшдаги болалар эмоционал соҳасидаги бузилишлар уларнинг шахс сифатида ривожланишига таъсири «...6 ёшгача бўлган тахминан 17% болаларнинг барчаси хиссий касалликлардан азият чекиши»<sup>1</sup> аниқланган бўлиб, унинг олдини олиш технологиялари, моделларини амалиётга татбиқ этиш зарурати юзага келмоқда. Бу борада болалардаги эмоционал бузилишларни ўз вақтида аниқлаш, коррекция ва профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш орқали уларнинг фаровон, уйғун ривожланиши, келажакда оиласи ва умуман жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таъсир этиши билан боғлиқ масалалар долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган тадқиқотларда мактабгача ёшдаги болаларни шахс сифатида ҳар тамонлама уйғунликда шаклланиши учун зарур шартларни яратиш, уларнинг эмоционал соҳасига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганишга оид изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада болаларнинг психик соғломлигини барқарорлаштириш механизмлари, ҳар бир боланинг фаровон психик ривожланишига таъсир этувчи оиладаги муҳит, ота-она ва бола муносабати, атроф-муҳит ва тенгдошларининг таъсири, шахслараро муносабатларда вужудга келадиган муаммолар ва боланинг ўз-ўзига берган баҳосини аниқлаш асосида бола эмоционал соҳасида вужудга келадиган бузилишларни олдини олиш ва бартараф этишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга эътибор кучаймоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда болалар жисмоний ва ақлий ривожланиши, саломатлигини мустаҳкамлиги ҳамда уларнинг таълим-тарбия олишига таъсир кўрсатувчи ва ривожлантирувчи дастурларни амалиётга татбиқ этишнинг зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Бу борада, «...боланинг барча ҳаёт фаолияти соҳаларини ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим ресурс сифатида юқори сифатли мактабгача таълим тизимини жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш»<sup>2</sup> устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлаш, уларнинг психоэмоционал ҳолатини барқарорлаштириш, болалар учун коррекцион, психопрофилактик усулларнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишга янги илмий ёндашув асосида истиқболдаги вазифаларни амалга ошириш учун янги имконият ва шарт-шароитлар юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ- 60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ- 5198-сон «Мактабгача

---

<sup>1</sup>Von Klitzing K, Döhnert M, Kroll M, Grube M. Mental Disorders in Early Childhood. DtschArzteblInt. 2015;112(21-22):375-386. doi:10.3238/arztebl.2015.0375.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони//<https://lex.uz/docs/4327235>

таълим тизимини бошқаришни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2019 йил 8 майдаги ПҚ- 4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 138-сон «Мактабгача таълим ташкилотларида бола ҳаёти ва соғлиғини ҳимояқилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мактабгача ёшдаги болаларнинг когнитив ва эмоционал соҳаси хусусиятларининг ўзига хослиги, эмоционал соҳасининг ривожланишига оила, ота-она муносабатларинг таъсири ва шахсий-ахлоқий кадрятларнинг таъсири масаласи республикамиз олимларидан Ф.Н.Вахабова, Ш.А.Дўстмухамедова, В.М.Каримова, К.К.Мамедов, З.Т.Нишонова, Л.В.Назирова, Р.И.Суннатов, С.Х.Таджиева, К.Д.Тлеумбетова, Д.Б.Хакимова, У.Б.Шамсиев, Б.Р.Қодиров, П.С.Эргашев, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан Е.А.Алексеева, О.И.Бадулина, Г.М.Бреслав, Л.С.Выготский, Н.С.Ежкова, Е.И.Изатова, Е.Н.Колодич, Ю.А.Лаптева, В.В.Лебедецкий, В.М.Минаева, Р.С.Немов, С.Рубинштейн, Е.О.Смирнова, И.В.Фаустова ва бошқалар томонидан мактабгача ёшдаги болалар ўртасида эмоционал бузилишлар, унинг ижтимоий-психологик омиллари, келиб чиқиш сабаблари ҳамда эмоционал бузилишларни олдини олиш масаласига қаратилган тадқиқотлар олиб борилган.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий-эмоционал ривожланиши, эмоционал регуляцияси, эмоционал интеллект структураси, эмоцияларини назорат қилиши, болаларнинг ижтимоий мослашувида эмоционал соҳадаги бузилишларнинг таъсири масаласи хориж олимларидан К.Р.Scherer, D.Goleman, R.H.Rubin, S.A.Barzeva, O.Gasser - Haas, J.C.Coleman, Goldschmidt, Tessa&Pedro, Athena, C.L.Hancock, D.R.Carter, S.Fuchs, A.M.Klein ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ПЗ-20170923121-рақамли «Шахс тарбиясининг миллий хусусиятларини ўрганишни методологик асосларини

такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** катта мактабгача ёшдаги болаларнинг руҳий ҳолатига таъсир этувчи эмоциоген омилларни аниқлаш, эмоционал бузилишларнинг олдини олишга оид профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эмоционал бузилишлар муаммосини ўрганишда психологик ёндашувларни таҳлил қилиш ва катта мактабгача ёшдаги болалар ривожланишида эмоционал бузилишлар ҳолатини аниқлаш;

катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларга олиб келадиган эмоциоген омилларни аниқлаш ва тизимлаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳиссий ривожланиш хусусиятларини ўрганишга имкон берувчи диагностика дастурини такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг олдини олиш (профилактика)нинг прогностик муҳим усуллари такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида катта мактабгача ёшда эмоционал бузилишларни психологик хусусиятларини аниқлаш жараёни танланган бўлиб, Тошкент шаҳри Миробод тумани 247-сонли ҳамда Юнусобод тумани 519-сонли мактабгача таълим ташкилотлари катта мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларидан 186 нафар ўғил ва 164 нафар қиз болалари ҳамда 140 нафар уларнинг оналари жалб қилинган, респондентларнинг жами сони 490 нафарни ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети** катта мактабгача ёшдаги болалардаги эмоционал бузилишларнинг психологик хусусиятлари ва уларга таъсир этувчи омиллар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда Й.Шванцаранинг «Кузатув» жадвали, А.Я.Варга, В.В.Столинларнинг «Ота-она муносабатлари саволномаси», С.В.Велиеванинг «Паравозик»; Р.Бэнс, С.Кауфман, Б.Гуддинаф, С.Р.Рейнольдс, Г.Хоментастас, Р.Ф.Беляускайтларнинг «Уй.Дарахт.Одам» (УДО); В.Хьюлс, А.И.Захаров, Л.Корманларнинг «Оила расми» проектив методикалари; Р.С.Немовнинг «Мен қандайман?»; В.Г.Щурнинг «Зинапоя» ҳамда Т.А.Репинанинг «Сир» методикаларидан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг статистик ишончлилик даражаси математик-статистика методларидан: К.Пирсоннинг чизикли корреляция коэффиценти, Стьюдентнинг t-мезони орқали тасдиқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг психопрофилактикаси ва коррекциясини таснифланишида хавотирланиш, кўрқув хисларини гиперактивлик жиҳатини доминантлик хусусиятида тормозланиш, ичидаги ҳолатини яшириш ҳисси намоён бўлишига асосланиб, «кайфият», «хулқ-атвор», «психомотор» каби психологик мезонлардан фойдаланиш самарали эканлиги далилланган;

катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларни вужудга келишига «ота-она-бола» муносабатлари кўринишининг таъсири натижасида бола ижтимоий мавқеи ва рефлексив ривожланишидаги эго-зиддиятларни устуворлигини кучайиши ноорганик тузилишдаги хиссий бузилишларнинг частотасини ортишига олиб келишига асосланиб, эмоционал соҳа шаклланишида ёшга оид динамик ҳамда гендер тафовутлар кузатилиши далилланган;

катта мактабгача ёшдаги болаларда талабчан она муносабати негизда бола эмоционал ҳолатини шаклланиши бола рефлексив ривожланишининг паст даражаси ва шахслараро муносабатда тенгдошлари томонидан «қабул қилинмаган»ликнинг вазиятга боғлиқ хавотирланишни кучайишига кўра, профилактик-коррекцион таъсир самарадорлигини таъминлайдиган индивидуал ривожланиш харитасини қўллаш зарурати исботланган;

болалардаги эмоционал бузилишларни олдини олиш ва бартараф этишда эмоциялар «дунёси» билан танишиш, уларни англаш ва назорат қилиш, ўз-ўзини адекват баҳолашини шакллантиришга қаратилган «Қуёшли туйғулар мамлакати» муаллифлик профилактик-коррекцион дастурини қўллаш самарали эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

катта мактабгача ёшда эмоционал бузилишларнинг психологик хусусиятларини аниқлаш мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини сезиларли даражада ошишига олиб келган, шунингдек, катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишлар, болаларнинг ёш, жинс ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар амалиётга татбиқ этилган;

катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг келиб чиқишига ва ривожланишига таъсир қилувчи эмоциоген омилларни ўрганиш учун психодиагностик методикалар тизимлаштирилган ва қўлланилган;

тадқиқот жараёнида катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг олдини олишга қаратилган оптималлаштирилган профилактик ва коррекцион дастур ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотидаги болаларда эмоционал соҳадаги бузилишларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича психологик тренинглар мажмуаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда илмий жиҳатдан асосланган методик воситалардан, математик статистиканинг аниқ методларининг қўлланилиши, синалувчилар танланма тўпламининг ҳажми ва унинг репрезентативлиги, эмпирик изланишлар назарий чуқур асослаб берилгани, аниқланган кўрсаткичларнинг бошқа муаллифлар тақдим этган маълумотлар билан қиёсий таҳлил этилиб, бунда ишончли манбаларга асосланганлиги, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинганлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача ёшдаги болаларнинг психик соғломлиги негизида эмоционал бузилишлар ҳақидаги илмий тушунчаларни кенгайтириши, катта мактабгача ёшдагиларда эмоционал бузилишларнинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш шахсий ва ижтимоий кўникмалар компонентларини синтезлашга ёрдам бериши, уларнинг шаклланиши эса когнитив қобилиятларни, билимларни ва ижтимоий муҳитга мос равишда мослашишни оширишга оид маълумотлар, эмоционал бузилишларнинг намоён бўлиш частотаси ва оғирлигини камайтиришга, академик кўрсаткичларни яхшилашга олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илгари сурилган ғоялар ва олинган эмпирик маълумотлар мактабгача таълим муассасаларида бола психоэмоционал ҳолатини уйғунлаштиришга, болалар гуруҳида ижобий психологик муҳит яратишга, оилада ота-она ва бола муносабатлари самарадорлигини оширишга, болалар билан олиб бориладиган психологик маслаҳат иши йўналишини аниқлаштиришга, шунингдек, олий таълим муассасаларида «Ривожланиш психологияси», «Психодиагностика», «Психокоррекция», «Психологик хизмат» фанларини амалий манбаа билан бойитишга ҳамда амалиётчи психологларнинг касбий компетенциясини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Катта мактабгача ёшда эмоционал бузилишларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий тадқиқот иши натижалари асосида:

катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг психопрофилактикаси ва коррекциясини таснифланишида хавотирланиш, кўрқув хисларини гиперактивлик жиҳатини доминантлик хусусиятида тормозланиш, ичидаги ҳолатини яшириш ҳисси намоён бўлишига асосланиб, «кайфият», «хулқ-атвор», «психомотор» каби психологик мезонлардан фойдаланиш самарали эканлигига оид маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги «Психология» ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июн 6-сонли буйруғига асосан «Ривожланиш психологияси» ўқув-услубий модул фани материалларига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июндаги ПМ-25-а-сонли маълумотномаси). Натижада бу бўлажак мутахассисларда мактабгача ёшдаги болалар билан ишлаш, уларга психологик хизмат кўрсатиш, оила муҳитида ва мактабгача таълим ташкилоти жамоасида психологик соғлом муҳитни шакллантириш бўйича илмий-назарий тайёргарлиги даражасини ошириш такомиллаштирилган;

катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг вужудга келишига «ота-она-бола» муносабатлари кўринишининг таъсири натижасида бола ижтимоий мавқеи ва рефлексив ривожланишидаги эго-зиддиятларни устуворлигини кучайиши ноорганик тузилишдаги хиссий бузилишларнинг частотасини ортишига олиб келишига асосланиб, эмоционал соҳа шаклланишида ёшга оид динамик ҳамда гендер тафовутлар кузатилишига оид маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги

«Психология» ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июн 6-сонли буйруғига асосан «Психодиагностика» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июндаги ПМ-25-а-сонли маълумотномаси). Натижада ижтимоий-психологик омиллар тизимида эмоционал бузилишларнинг асосий сабабларини аниқлашда бўлажак психологларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмалари шакллантирилган;

катта мактабгача ёшдаги болаларда талабчан она муносабати негизда бола эмоционал ҳолатини шаклланиши бола рефлексив ривожланишининг паст даражаси ва шахслараро муносабатда тенгдошлари томонидан «қабул қилинмаган»ликнинг вазиятга боғлиқ хавотирланишни кучайишига кўра, профилактик-коррекцион таъсир самарадорлигини таъминлайдиган индивидуал ривожланиш харитасини қўллаш заруратига оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги «Психология» ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июн 6-сонли буйруғига асосан «Психологик хизмат» модулига киритилган ва мазмунини бойитилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июндаги ПМ-25-а-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача ёшдагиларнинг эмоционал ривожланишининг муаммоли масалалари билан ишлаш бўйича малакали тайёргарликни яхшилашга хизмат қилган;

болалардаги эмоционал бузилишларни олдини олиш ва бартараф этишда эмоциялар «дунёси» билан танишиш, уларни англаш ва назорат қилиш, ўз-ўзини адекват баҳолашини шакллантиришга қаратилган «Қуёшли туйғулар мамлакати» муаллифлик профилактик-коррекцион дастурини қўллаш самарали эканлигига асосланган маълумот Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги «Психология» ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июн 6-сонли буйруғига асосан «Психокоррекция» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 июндаги ПМ-25-а-сонли маълумотномаси). Натижада амалий психологларнинг мактабгача ёшдаги болалар муаммолари билан ишлашда услубий жиҳозларини такомиллаштириш имкониятлари кучайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 17 та илмий мақола, 10 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 4 таси хорижий журналларда, 2 таси инглиз тилида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 121 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мазмунининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, методлар, объект ва предмет аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар


тараққийнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумот келтирилган.

Диссертация ишининг «**Мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларни ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи боби психологик адабиётлар бўйича мактабгача ёшдаги болаларнинг эмоционал бузилишларини ўрганишнинг назарий таҳлиliga бағишланган. Бўлимда катта мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳиссий соҳаси ва хулқ-атворининг хусусиятлари, шунингдек, эмоционал бузилишлар муаммоси контекстида мактабгача ёшнинг ўзига хослиги ва мактабгача ёшда эмоционал бузилишларнинг тажриба натижалари ёритилган.

Диссертация иккинчи боби «**Мактабгача ёшдаги болаларнинг руҳий ҳолатига эмоциоген омиллар таъсирининг хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, эмоционал бузилишлар турлари ва уларнинг услубий ўрганиш усуллари келтирилади. Катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг вужудга келишида оила муносабатлари омилининг ролини ўрганиш икки босқичда амалга оширилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида 5-6 ёшли болаларда эмоционал соҳаси ёш ва жинсига мувофиқ Й.Шванцара «Кузатув» жадвали, проектив методика «Уй.Дарахт.Одам»(УДО), «Оилавий расм» усули, шунингдек, ота-она муносабатлари саволномаси (ОМС) ёрдамида ўрганилди. Бунда 5 ёшли болалар жами 193 та, улардан 100 таси ўғил бола ва 93 таси қиз бола; 6 ёшли болалар жами 157 та (86 та ўғил бола, 71 та қиз бола) ни ташкил этди. Тадқиқотнинг кейинги босқичида катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишлар намоён бўлишида ота-она муносабатларининг таъсири корреляцион боғлиқлиги ўрганилди, яъни ЭБ ўртача ва юқори бўлган болалар гуруҳларида (5 ёшли болалар-77 та, улардан 40 таси ўғил бола ва 37 таси қиз бола; 6 ёшли болалар -63 та:35 та ўғил бола, 28та қиз бола) «Кузатув» жадвали, проектив методика «Уй.Дарахт.Одам»(УДО), «Оилавий расм»усули ва ота-она муносабатлари саволномаси (ОМС) кўрсаткичлари ўртасида корреляцион таҳлил ўтказдик.

Беш ёшли қиз болалар кўпинча, шу ёшдаги ўғил болаларга нисбатан ўртача даражада ЭБ ларни кўрсатган ( $p<0,05$ ), лекин ушбу кўрсаткичлар қарама-қарши кўринишда юқори даражадаги ЭБ ўғил болалар учун хос бўлди ( $p<0,05$ ). Олти ёшли болаларда мўътадил ва юқори ЭБ сезиларли фарқларсиз, тақсимлашда жинси бўйича бир хил тенденция кузатилди (1-расмга қаранг). Беш ва 6 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг УДО симптомокомплексларнинг ўртача кўрсаткичлари бўйича, 5 ёшида ўғил болалар қизларга қараганда анча юқори эмоционал ҳиссиётларга эга. Ҳар икки жинсда ҳам сезиларли фарқлар билан юқори даражадаги хавотир ( $60,0\pm 4,9\%$  қарши  $39,8\pm 5,1\%$ ,  $p<0,01$ ), ўзига ишончсизлик ( $58,0\pm 4,9\%$  қарши  $34,4\pm 4,9\%$ ,  $p<0,001$ ), тажовузкорлик ( $52,0\pm 4,9\%$  қарши  $33,3\pm 4,8\%$ ,  $p<0,01$ ) қайд этилган. 6 ёшли ўғил болалар кўпинча юқори даражадаги хавотир( $33,7\%$ ), зиддиятлилик, душманлик ( $29\%$ ), ўзига ишонмаслик ( $27,9\%$ ), хавотир, нотўлиқлик ҳиси ( $26,7\%$ ) намоён қилдилар. Қиз

болалардаги симптомокомплексларнинг юқори кўрсаткичлари ўғил болаларга нисбатан фарқланди: қиз болаларда кўпинча нотўлиқлик ҳиси (26,6%), ҳимоясизлик, хавотир (26,8%) ва ўзига ишонмаслик (25,4%) хос бўлди.



**1-расм. Й.Шванцаранинг «Кузатув» жадвали бўйича катта мактабгача ёшдагиларни эмоционал намоён бўлиши тавсифи.**

«Оилавий расм» методикаси бўйича 5 ёшли мактабгача ёшдаги болалар яхши оилавий шароитни кўрсатишди, бу кўпинча қизларда намоён бўлди. Ўғил болаларда хавотир, оилавий муҳитдан қониқмаслик ва зиддиятчилик хислари юқори бўлди. Олти ёшларда оилавий муносабатлар муҳити озгина фарқланди: хавотирлик ҳиси иккала жинсда ҳам кучайди, аммо оиладаги душманлик ҳисси пасайди, лекин зиддиятчилик ҳисси қизларда кучайди. Ота-оналар муносабатлари саволномаси (ОМС) да синалувчиларнинг оналари (140 та) иштирок этди (1-жадвалга қаранг). Ўрганилган болалар гуруҳларида «Ота-она муносабатларини ўрганиш» тест-саволномаси оналарда шкалалар бўйича ўртача баллар тақсимооти шуни кўрсатдики, «қабул қилиш-рад этиш», «кооперация», «симбиоз», «авторитар –гиперсоциализация» шкалалар бўйича одатда ўртача баллар эгаллашди. «Инфантилизация» шкаласи бўйича оналар ўртача ва паст баллар тўплашди, бунда ўзаро ҳурмат муносабатлари баҳоланди.

Катта мактабгача ёшдаги болаларда ЭБ ривожланиши ва намоён бўлишида оилавий муносабатлар омилининг қуйидаги хусусиятлари аниқланди: 5-6 ёшли болаларда ЭБ ларнинг намоён бўлиши жинс ва оила омиллари билан боғлиқ. Фаровон оилавий шароитда болаларда ЭБ лар кузатилмади, аммо ноқулай оилавий муҳитда, аксинча ЭБ лар одатда ўртача даражага эга бўлди, айниқса қизларда, сезиларли фарқларсиз.

**Ота-оналар муносабатлари саволномаси шкалалари бўйича ўртача баллар тақсимооти (синалувчиларнинг оналари)**

Шкалалар	5 ёшли болалар оналари (n=77)		6 ёшли болалар оналари (n=63)	
	Ўn=40	Қ n=37	Ў n=35	Қ n=28
Қабул қилиш-рад этиш	17,1±0,65	21,4±0,8	21,4±0,8	22,1±0,9
Кооперация	2,9±0,2	6,8±0,4***	4,4±0,3	6,9±0,5***
Симбиоз	2,1±0,2	6,2±0,4***	3,8±0,3	4,7±0,4
Назорат, авторитар – гипержтимоийлашув	6,4±0,4	4,3±0,3***	4,8±0,4	3,8±0,3
Инфантилизация ёки «кичкина омадсиз»	6,9±0,4	3,9±0,3***	5,3±0,4	4,1±0,4*

Фаровон оилавий шароитлилар орасида юқори ЭБ ларга эга бўлганлар ҳам бўлиб, ноқулай оилавий муҳитда бўлган болалар сонига қараганда, ўғил болаларда ( $p < 0,01$  ва  $p < 0,01$ , мос равишда 5 ва 6 ёшли ўғил болаларда), қиз болаларда ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,05$ , мос равишда 5 ва 6 ёшли қиз болаларда) одатда камроқ учради. Ушбу вазият яна бир бор, 5-6 ёшли болаларда ЭБ лар ривожланишининг мультифакторли сабабини исботлайди.

Оналарнинг директив ўзаро муносабатлари (талаб қилиш, қатъиятлик, назорат) ва 5-6 ёшли болалардаги салбий эмоционалликни ривожланиши (болаларда хавотир, қўрқув ва негативизм шаклланиши) ўртасида аниқ статистик алоқалар аниқланди. Оналар томонидан шартли қабул қилиш кўрсаткичлари, авторитар ва инфантил тарбия услублари қанчалик юқори бўлса, болаларда, айниқса 5 ёшдаги қизларда қўрқув, тажовузкорлик, ҳаддан ташқари хафагарчилик ва негативизм шунчалик юқори бўлади.

5-6 ёшли мактабгача ёшдаги болаларда ЭБ омили сифатида ўз-ўзини англашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадида Люшернинг рангли тестига асосланган С.В.Велиеванинг «Паравозик» методикаси, «Зинапоя» (В.Г. Щур) ва Р.С.Немовнинг «Мен қандайман?» методикаси қўлланилди.

Р.С.Немовнинг «Мен қандайман?» методикаси бўйича 5-6 ёшли болаларда ўзларини юқори баҳолаш кўрсаткичи намоён бўлди, айниқса 5 ёшли ўғил болаларда (36, 36%) ва ундан камроқ 5 ёшли қизларда (28, 30,1%). Ўз-ўзини юқори баҳолаш частотасининг шунга ўхшаш тенденцияси 6 ёшли болаларда ҳам кузатилди (27, 31,4% ва 20, 28,2%, қиз ва ўғил болаларга мос равишда).

**Беш ёшли болалар психик ҳолатининг частотаси ва характерининг ички оилавий муносабатлар (ОР) бўйича таққослаш баҳоси**

«Оилавий расм» методикаси	Болалар 5 ёш n=193			
	Фаровон оилавий ҳолат (n=101)		Нофаровон оилавий ҳолат (n=92)	
«Паровозик» методикаси	Ўғил болан=47	Қиз болан=54	Ўғил болан=53	Қиз болан=39
Психик ҳолат	абс/%	абс/%	абс/%	абс/%
ижобий	26/55,3***	31/57,4**	6/11,3	10/25,6
салбий	21/44,7	23/42,6**	47/88,7	29/74,4

Изоҳ: \*\*\* -  $p < 0,001$ , \*\* -  $p < 0,01$

Вужудга келишнинг юқори частотасига кўра, 5 ёшли ўғил болаларда (31, 31%) 6 ёшли ўғил болаларга (19, 22,1%) ва 6 ёшли қизларга (12, 16,9%) ҳамда 5 ёшли қизларга (19, 20,4%) нисбатан ўз-ўзини баҳолашнинг паст даражасини кўриш мумкин. Бироқ «Зинапоя» методикаси бўйича 5-6 ёшли болаларнинг кўпчилиги адекват ўз-ўзини баҳолашини (30, 30% ва 39, 41,9%, мос равишда 5 ва 6 ёшли ўғил, қиз болалар; 37, 43% ва 37, 52,1% мос равишда 6 ёшлилар), 5 ёшли ўғил болаларда ўз-ўзини паст баҳолашини (34, 34%) кўришимиз мумкин. Вужудга келиш частотаси бўйича иккинчи ўринда ўз-ўзини паст баҳоловчи болалар бўлди: ушбу баҳонинг юқори фоизини 6 ёшли ўғил болалар (21, 24,4%), 5 ёшли (20, 21,5%) ва 6 ёшли қиз болаларга (13, 18,3%) нисбатан эгаллашди. Ноадекват юқори ўз-ўзини баҳолаш учинчи ўринни 5 ёшли (19, 19%) ва 6 ёшли ўғил болалар (16, 18,7%) ҳамда 6 ёшли қиз болалар (11, 15,5%), шунингдек, тўртинчи ўринни 5 ёшли қиз болалар (18, 19,4%) эгаллади. «Паравозик» методикаси ёрдамида 5-6 ёшли болаларда салбий руҳий ҳолат аниқланди. Деярли ҳар иккинчи мактабгача ёшдаги ўғил ва қиз болаларда психологик микрошикаст ва салбий ҳиссий ҳолат кузатилди. 5 ёшли болалар салбий руҳий ҳолатга энг кўп мойил бўлишди, 6 ёшли болаларда эса унинг частотаси камайди.

Болаларнинг психик ҳолати («Паровозик» методикаси бўйича) ва оиладаги муҳит («Оилавий расм» методикаси бўйича) (2 ва 3-жадвалларга қаранг) боғлиқлиги шуни кўрсатдики, фаровон оилавий ҳолатда ижобий ҳисли болалар сони ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,01$ , мос равишда 5 ёшли ўғил, қиз болалар,  $p < 0,001$  ва  $p < 0,001$ , мос равишда 6 ёшлилар) ноқулай оилавий ҳолатда яшайдиганларга нисбатан кўпчиликни ташкил этди. Салбий ҳиссиётларга эга болалар у ерда сезиларли фарқ билан устунлик қилишди. Жинс ва ёш фарқлари аниқланмаган.


**Олти ёшли болалар психик ҳолатининг частотаси ва характерининг ички оилавий муносабатлар (ОР) бўйича таққослаш баҳоси**

	<b>6 ёшли болалар n=157</b>			
<b>«Оилавий расм» методикаси</b>	<b>Фаровон оилавий ҳолат (n=83)</b>		<b>Нофаровон оилавий ҳолат (n=74)</b>	
<b>«Паровозик» методикаси</b>	Ўғил болап=44, 53,0%	Қиз бола n=39, 47,0%	Ўғил болап=42, 56,7%	Қиз бола n=32, 43,3%
Психик ҳолат	абс/%	абс/%	абс/%	абс/%
ижобий	31/70,5***	27/69,2*	8/19,0	6/18,7
салбий	13/29,5***	12/30,8*	34/81,0	26/81,3

Изоҳ:\*\*\* -  $p < 0,001$ , \* -  $p < 0,05$

Бола ички дунёсининг эмоционал фони, унинг ўз-ўзини англаши фаровон ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бу маънода корреляцион таҳлил 5 ёшли ўғил ва қиз болаларда ўз-ўзини паст баҳолаш эмоционал нофаровонликни, ўз-ўзини юқори баҳолаш эса 6 ёшли болаларда ижобий эмоционал ҳолатни кўрсатди. Боланинг эмоционал ҳолатининг оилавий муҳитга боғлиқлиги исботланди. Фаровон оилавий ҳолатда ижобий ҳисли болалар сони кўпчиликини ( $p < 0,001$ ) ташкил этди, ёш ва жинс фарқларсиз.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида катта мактабгача ёшдаги болаларнинг эмоционал ҳолатига ижтимоий мавқеи ва унинг таъсирини ўрганиш бўлди. Шу мақсадда, Т.А.Репинанинг «Сир» методикаси эмоционал бузилишли 20 та 5 ёшли болаларда, бир хил сондаги ўғил ва қиз болаларда ва 20 та 6 ёшли болаларда (улардан 9 та қиз, 11 та ўғил бола) ўтказилди. 5 ва 6 ёшдаги мактабгача ёшдагилар гуруҳида шахслараро муносабатни социометрик мавқеи бўйича ўрганиш шуни кўрсатди: 32,5% болалар «қабул қилинган» мавқеини, улар орасида кўпроқ 5 ёшлилар, айниқса қиз болалар эгаллади. Улар жуда фаол, лекин ўта хафагарчиликлари сабабли кўп зиддиятликка бордилар. Болаларнинг энг катта фоизи (37,5%) тенгдошлари томонидан «қабул қилинмаган» ва кўпинча 6 ёшда, айниқса ўғил болалар орасида қайд этилган. Улар зиддиятликка боришмай, доим кам болалар доирасида ўйнайдилар ва мулоқот қиладилар. Кам сонли болалар «юлдузлар» (15%) ва «аутсайдерлар» мавқеини эгалладилар.



**2-расм. Ёш ва жинсга кўра мактабгача ёшдагиларнинг мавқеи категорияларининг тақсимланиши (Т.А. Репинанинг «Сир» методикаси).**


Юқори социометрик мавқеидаги «Юлдуз» болалар тенгдошлари билан ижобий муносабатлар ўрнатиб, ўзаро фаолиятда лидерлик позициясини эгаллашди. Аммо аутсайдерлар тенгдошлари мулоқотларидан маҳрум бўлишди. Ёш ва жинсга қараб мактабгача ёшдагиларнинг мавқеиси категорияларининг тақсимланиши (2-расмга қаранг) юқори социометрик мавқеи гуруҳга 5 ва 6 ёшли ўғил болалар, ўрта социометрик мавқеи гуруҳга эса одатда 5 ва 6 ёшли қизлар, шу ёшдаги ўғил болаларга нисбатан 1,3 ва 5,1 марта киришини кўрсатди. Паст социометрик мавқеи гуруҳда 1,3 ва 1,6 марта кўпроқ 5 ва 6 ёшли ўғил болалар қиз болаларга нисбатан кузатилди. Корреляцион таҳлил мактабгача ёшдаги болаларнинг мулоқотчанлиги ва эмоционал соҳаси ўртасида яқин алоқалар борлигини аниқлаш имконини берди. Улар қуйидагича ифодаланади: катта мактабгача ёшдаги болаларнинг салбий хис-туйғулари тенгдошлари билан мавжуд муносабатлардан норозилигидан келиб чиқади; паст социометрик мавқеига эга бўлган болалар мулоқот қобилияти даражасидан ва социометрик ҳолатидан қатъий назар, тенгдошлари билан мулоқотда хавотирни ҳис қилади.

**«Мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг олдини олишни такомиллаштиришнинг амалий имкониятлари»** деб номланган учинчи бобда ЭБ ли болаларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича мавжуд илғор тажрибалар, шунингдек, катта мактабгача ёшдаги болаларда профилактицион-коррекцион дастурнинг қўлланилиши ва унинг мазмуни келтирилган. Ўқув жараёни доирасида Тошкент шаҳридаги 247 ва 519-сонли мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) негизидан 2020 йил августдан декабргача бўлган даврда эмоционал ҳолатни яхшилаш бўйича «Қуёшли туйғулар мамлакати» деб



номланган дастур доирасида профилактика ва тузатиш ишлари олиб борилди. Профилактион-коррекцион дастур қуйидаги программаларга асосланди: «Гулетти рангли» Н.Ю. Куражева ва ҳаммуаллифлар (2011), «Келинг бир-биримизни билиб олайлик! Мактабгача ёшдаги болаларнинг хиссий дунёсини ривожлантириш ва тузатиш» И.А.Пазухина (2016). Дастурда шунингдек, қуйидаги муаллифларнинг ўйинлари ва машқларидан фойдаланилди: М.И.Чистякова, С.В.Крюкова, А.В.Красавина ва бошқалар.

Дастурнинг мақсади: салбий хиссий кўринишларни бартараф этиш ва камайтириш, эмоционал бузилишларни олдини олиш. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилади: эмоционал соҳани ривожлантириш; болани эмоциялар ва инсоний хис-туйғулар дунёсига киритиш; шахсий соҳани ривожлантириш; адекват ўз-ўзига баҳо беришни шакллантириш, ўзига ишончни ошириш; шахслараро муносабатга киришишда мулоқот қобилиятларини ривожлантириш.



**3-расм. Профилактик-коррекцион дастур шакллантиришнинг умумий схемаси.**

Машғулотларнинг умумий сони 36 та бўлиб, haftaда икки марта ўтказилади. Давомийлиги: 25-30 дақиқа. Гуруҳдаги болар сони: 7-10 та иштирокчи.

Болалар билан ишлаш дастури 4 бўлимга ажратилган:

1-бўлим: болаларни бир-бири билан танишиши, ижобий эмоционал муҳит яратиш, болани эмоциялар ва инсоний хис-туйғулар дунёси билан таништириш, ўз хис-туйғуларини қандай қилиб тўғри ифодалашни ва бошқаларнинг хис-туйғуларини «ўқишни» ўргатиш (пантомимика коррекцияси), (6 та дарс);

2-бўлим: эркин хатти-ҳаракатларни ривожлантириш, адекват ўз-ўзига баҳо беришни шакллантириш, ўзига ишончни ошириш(10 та дарс);

3-бўлим: бола учун салбий характерли хусусиятлар ва хатти-ҳаракатларни бартараф этиш (10 та дарс);

4-бўлим: тенгдошлари ва катталарга ҳосил бўлган янги хис-туйғуларни барқарорлаштириш, тенгдошлари билан ижобий муносабатларни шакллантириш, гуруҳни бирлаштириш (10 та дарс).


3-расмда келтирилган дастур доирасида болаларнинг ҳар бир ёши учун, яъни 5 ва 6 ёшлиларга иккитадан тажриба ва назорат гуруҳи тузилди.

Экспериментал гуруҳидаги мактабгача ёшдаги болаларга (5 ёшли- 20 та ва 6 ёшли – 20 та) коррекцион таъсир ўтказилиб, боланинг ҳиссий эмоционал соҳаси кўрсаткичлари дастурни амалга оширишдан олдин ва кейинги ҳолати ўрганилди. Мақсадли намуна асосида назорат гуруҳларига (ҳар бир ёш учун 20 та бола) экспериментал гуруҳлардаги каби эмоционал ҳолатнинг миқдор ва сифат параметрлари деярли бир хил бўлган болалар киритилди.

«Уй.Одам.Дарахт» методикаси бўйича экспериментал маълумотлар анализи шуни кўрсатди: экспериментал гуруҳидаги 5 ва 6 ёшли болалар УОД симптомокомплекслари бўйича назорат гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан ижобий ривожланиш тенденциясини қайд этди. 5 ёшли болаларда шакллантирувчи экспериментда барча симптомлар бўйича аниқ баллар кўрсаткичининг пасайиши кузатилди ( $p<0,05$ ), айниқса бу фарқлар ушбу ҳолатда яққол намоён бўлди: депрессивлик ( $p<0,001$ ), нотўлиқлик ҳиси ( $p<0,01$ ) ва ўзига ишонмаслик ( $p<0,01$ ). 6 ёшли болаларда эса сезиларли аниқ тараққиёт зиддиятлилик ва душманлик ( $p<0,01$ ), нотўлиқлик ҳиси( $p<0,01$ ) ва тажовузкорлик ( $p<0,01$ ) каби симптомокомплексларда намоён бўлди. Хавотирлик ҳиссининг пасайиши кузатилди, аммо аниқ фарқларсиз. Профилактион ва коррекцион дастурдан сўнг, 5 ва 6 ёшли болаларда ЭБ ларнинг намоён бўлиш частотаси сезиларли даражада камайди, 5 ёшли болаларнинг 12тасидан ( $60,0 \pm 10,9\%$ ) 6 тасида ( $30,0 \pm 10,2$ , при  $p<0,05$ ) ЭБ нинг ёрқин намоён бўлиши қайд этилди, аммо дастурнинг самарадорлиги кўпроқ 6 ёшли болаларда сезилди: 10 тасидан ( $50,0 \pm 11,2\%$ ) фақат 4 тасида ЭБ намоён бўлди ( $p<0,05$  да  $20,0 \pm 8,9\%$ ).

Тадқиқотда эмоционал бузилишларсиз болалар ҳам аниқланган, яъни «Уй.Одам.Дарахт» методикаси симптомокомплексининг минималлаштирилган баллари орқали: 5 ёшли болалар орасида 7 бола ( $35,0 \pm 10,7\%$ ) ва 6 ёшлилар орасида 8 бола( $40,0 \pm 10,9\%$ ). Белгиланган тажрибада 5 ва 6 ёшли болалар

